



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 25 июль, № 151 (7381)

Пайшанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазир шайх Мансур бин Зоид Ол Нахаён билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат ва ҳукумат раҳбарлари Шавкат Мирзиёевни таваллуд куни билан самимий табриклар, унга мамлакатда тарихий янгиликлар кечаётган бугунги муҳим даврда бахт-саодат ва улкан зафарлар, кўп миллатли Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва раванқ тиладилар.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан суҳбатда икки томонлама муносабатларга доир ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани чуқур мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар тўғрисида икки томонлама алоқалар аниқ мазмун билан бойигани таъкидланди.

Товар айирбошлаш ҳажми изчил ортамоқда, Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида мамлакатимиз иқтисодий турли тармоқларида йirik лойиҳалар амалга оширилмоқда. Худудларнинг бевосита ҳамкорлиги фаоллашди. Таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги алмашувлар бўйича шериклик гоя юксак даражага кўтарилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз халқларининг фаровонлиги йўлида, бутун Марказий Осиё барқарорлиги ва тараққиётини таъминлаш мақсадида кенг кўламли шерикликни янада ривожлантириш борасидаги интилишлари қатъий эканини тасдиқладилар.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан мулоқот чоғида Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларининг истиқболли, шунингдек, халқаро ва минтақавий сийосатга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик изчил мустаҳкамланиб, кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари, аввало, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда кенгайиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этидилар.

Шунингдек, Президентимиз Туркменистон раҳбарига жорий йил август ойининг бошида «Аваза» миллий туризм зонасида бўлиб ўтадиган биринчи Каспий иқтисодий форумини ўтказишда муваффақият тилади.

Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоевга кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигининг ривожланиши ва мустаҳкамланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасида савдо ҳажми бир неча қарра ортди, устувор йўналишларда истиқболли кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик кенгайилмоқда. Ишбилармонлик алоқалари ва худудлараро алмашувлар фаоллашди.

Олий даражада эришилган келишувларни, жумладан, Ўзбекистон ва Қозоғистон Бош вазирлари раислигидаги қўшма Ҳукуматлар комиссия фаолияти доирасида амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан мулоқотда ўзаро ҳамоанг сийосий ирода ва фаол саъй-ҳаракатлар икки томонлама дўстлик, яхши кўшилиқ ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилгани алоҳида қайд этилди.

Бугунги кунда икки томонлама манфаатли Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлиги юксак даражага кўтарилди, барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган.

Давлат раҳбарлари ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва иқтисодий турли тармоқларида кооперацияни кенгайтириш, фаол гуманитар алмашувларни, жумладан, чегарадош худудлар ўртасидаги алоқаларни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Шу муносабат билан ўтган ҳафта икки мамлакат ҳукумат

делегациялари иштирокида «Бейнеу — Ажжигит — Ўзбекистон чегараси» автомобиль йўлининг очилгани мамнуният билан қайд этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида биргаликдаги маданий-гуманитар тадбирларни муваффақиятли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков мулоқот чоғида Ўзбекистон — Қирғизистон стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этидилар.

Турли даражадаги алоқалар фаоллашгани, товар айирбошлаш ҳажми ортаётгани, гуманитар алмашувлар жадваллашгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшилиқ муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни, жумладан, ҳукуматлараро комиссиялар доирасида давом эттиришга келишиб олинди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган давлатимиз раҳбарининг мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни бугунги юксак даражага кўтаришга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этиди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Ҳукуматлараро комиссиянинг кунги кеча Анқара шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиши ва Ўзбекистон — Туркия бизнес форуми самарали бўлгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Турли йўналишларда, аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион ва маданий-гуманитар соҳаларда эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни кенг кўламли амалга ошириш борасида томонларнинг интилиши қатъий экани қайд этилди.

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазир шайх Мансур бин Зоид Ол Нахаён, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, БАА Куролли Кучлари Олий бosh кўмондони ўринбосари шайх Мухаммад бин Зоид Ол Нахаён ва БАА Вице-президенти, Бош вазир, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактумнинг самимий табриклари ва эзгу тилакларини етказди.

Суҳбатда жорий йил март ойда БААга амалга оширилган олий даражадаги таширф якунлари юксак баҳоланди.

Молия ва инновациялар соҳаларида, энергетика, нефть-газ ва кимё санъатида, транспорт, туризм ва ишбилармонлик инфратузилмасини модернизация қилиш, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари БАА етакчи компания ва ташкилотларининг илгор тажрибаси ва илмий ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўзаро манфаатли ҳамкорликка доир қўшма дастур ва лойиҳаларни фаол илгари сурш муҳим эканини таъкидлади.

Таваллуд куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хоржий давлатлар, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларидан табрик мактублари келмоқда.

Қутловларда миллий тараққиётимизнинг янги босқичида аҳоли турмуш сифати ва даражасини тубдан юксалтириш, халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг бекиёс роли қайд этилган, кўп миллатли Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилаб, самимий истаклар изҳор этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович!
Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Сиз юртдошларингиз орасида ва хорижда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун улкан ишларни амалга ошираётган тажрибали ва узоқни кўра биладиган давлат арбоби сифатида ҳақли равишда юксак ҳурматга сазоворсиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга Сизнинг шахсан қўшган ҳиссангиз бекиёсдир.

Конструктив мулоқотимиз ва яқин ҳамкорликдаги фаолиятимиз давом эттириш менга мамнуният бағишлайди. Ишончим комил, Сизнинг Россияга бўлажак таширфингиз қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида барча соҳаларда икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Сизга, мухтарам Шавкат Мирмонович, чин дилдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақият тилайман.

Хурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович!

Таваллуд кунингиз муносабати билан Сизга самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Кейинги йилларда Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида ижобий ўсиш тенденцияси намоён бўлмоқда — сиёсий ўзаро ишонч муттасил мустаҳкамламоқда, «Бир макон, бир йўл»ни биргаликда бунёд этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар кенгайилмоқда, мамлакатларимиз ўртасидаги гуманитар алоқалар ҳамда минтақавий ва халқаро масалалардаги ўзаро ҳамкорлик фаоллашмоқда.

Шу йил апрель ойда Пекин шаҳрида «Бир макон, бир йўл» иккинчи халқаро ҳамкорлик форуми доирасида бўлиб ўтган самарали учрашувимиз икки томонлама муносабатларга янги суръат бағишлади. Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор берман, ўртаимиздаги қалин дўстликни гоя қарлайман, давлатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида кўп томонлама ҳамкорликнинг янги марраларига эришиш учун Сиз билан биргаликда бор саъй-ҳаракатни ишга солишга тайёрман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли давлат лавозимидаги фаолиятингизда янги зафарлар тилайман.

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Шунингдек, қуйдагилар ўз табрикларини йўлаган:

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши **Нурсултон Назарбоев**;

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;

Қирғизистон Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков**;

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;

Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**;

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;

Молдова Республикаси Президенти **Игорь Додон**;

Арманистон Республикаси Президенти **Армен Саркисян**;

Корея Республикаси Президенти **Мун Чжэ Ин**;

Индонезия Республикаси Президенти **Жоко Видодо**;

Эрон Ислоҳ Республикаси Президенти **Ҳасан Рухоний**;

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**;

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Дмитрий Медведев**;

Арманистон Республикаси Бош вазир **Никол Пашинян**;

МДҲ Ижроия кўмитаси Раиси — Ихрочи котиби **Сергей Лебедев**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АКЦИЗ СОЛИФИГА ТОРТИЛАДИГАН АЙРИМ МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг:

2019 йил 15 августдан сиқилган газни якуний истеъмолчига реализация қилишда акциз солиғи ставкасини 20 фоизга;

2019 йил 1 октябрдан алкоғолли маҳсулотнинг акциз солиғи ставкасини ўрта ҳисобда 10 фоизга, тамаки маҳсулотининг акциз солиғи ставкасини 20 фоизга ошириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси томонидан илгари берилган, спирт ва алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга оид лицензияларнинг амал қилиш муддати 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга нисбатан янги лицензия талабларини, жумладан, ишлаб чиқариш ускуналарини мажбурий рўйхатдан ўтказиш, унинг мулкдорларини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартибини тасдиқлаш;

техник спирт ишлаб чиқарувчилар фаолиятини лицензиялаш тартибини жорий этиш, пиво ишлаб чиқарувчилар учун эса 2021 йил 1 январдан бошлаб шундай тартибни жорий қилиш;

лицензия олувчилар томонидан ҳар йили лицензия тўловларини тўлаш бўйича талабларни жорий этиш, пиво ишлаб чиқарувчилар учун эса 2022 йил 1 январдан бошлаб шундай талабни жорий қилиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2019 йил 15 августдан бошлаб иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 24 июль

Фахр



Остона — муқаддас, деймиз. Яқинлашганда ўннга, сўлга қараймиз, секинлаймиз. Бир лаҳза охишта тўхтаб, кўнглимиз ёришиб, ичкарига қадам ташлаймиз.

Ватан остонадан бошланади. Балки она сийнасида гўдак оғзига тушган бир томчи суддан, илк бор тил чиққан маҳал айтиладиган «Она» деган муқаддас сўздан ибтидо олар у... Президентимиз бундан икки йил муқаддам, таъбир жоиз бўлса, «Ижодкорлар курултойи»да Ватан кадр-қимматини бадиий сўз воситасида ифода этишининг нақадар улкан аҳамиятига ишора қилиб, шундай деган эдилар:

«Адабиёт ва санъатнинг нақадар қудратли кучга эга экани ҳақида сиздек зукко инсонлар ҳузурида сўз юртишга, очигини айтсам, мен бир оз тортинам. Лекин мана шундай буюк, илоҳий кучдан биз мамлакатимиз, эл-юртимиз раванқи йўлида оқилона ва самарали фойдаланяпмизми? Ёки улуг адибимиз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, атомнинг кучини ўтин ёришга сарф-ляяпмизми?»

Дарҳақиқат, адабиёт — илоҳий куч. Назм султони Алишер Навоий замонидан бугунгача, эртага ва ундан кейин ҳам бебаҳо мазмун-моҳиятини асло йўқотмайди. Мозийга бир қур назар ташласак, улуг шоирларимиз ижоди гуллаб-яшнаб, юксак чўққиларга кўтарилгани ўша давр элу юрт раҳбари, сўнг жамиятнинг хайрихолиги тўғрисида юз берганлигини кўраимиз.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Шавкат Мирзиёевнинг тарихий аҳамиятга эга 10 та энг муҳим ташаббуси

1	Яхши кўшилиқ муносабатлари, чегараларнинг очирилиши ва назорат-ўтиш пунктлари ташкил этилиши, Марказий Осиё давлатлари билан барча масалалар бўйича конструктив мулоқот ўрнатилгани энг муҳим ташаббус сифатида эътироф этилди — 96 ОВОЗ	2	Валюта бозорининг эркинлаштирилиши, нақд пул билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилиши — 90 ОВОЗ
3	Мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалар меҳнатига барҳам берилиши — 79 ОВОЗ	4	Олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши, миллий ва хоржий университет ва институтлар филиалларининг очирилиши — 78 ОВОЗ
5	Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги, муҳим ҳукумат қарорлари қабул қилинишидаги роли оширилиши — 69 ОВОЗ	6	Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари жорий этилиши — 63 ОВОЗ
7	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Куролли Кучлар тизимининг ислоҳ қилиниши — 61 ОВОЗ	8	Солиқ ислохотлари, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкининг камайрилиши, тадбиркорлар учун солиқ таътилининг эълон қилиниши — 59 ОВОЗ
9	Давлат хизматлари тизимини ривожлантириш, уларнинг сифати ва самарадорлигини босқичма-босқич ошириш — 58 ОВОЗ	10	Минтақавий хавфсизликнинг таъминланиши бўйича чора-тадбирлар, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича халқаро мулоқотнинг кучайтирилиши — 57 ОВОЗ .

«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати томонидан 100 нафар маҳаллий ва хоржий эксперт ўртасида ўтказилган сўров натижалари асосида тайёрланди.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар
ТАФСИЛОТЛАР



ЎЗБЕК ЎҚУВЧИЛАРИ ХАЛҚАРО
ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИДА
СОВРИНДОР БЎЛИШДИ

Шу йилнинг 14 — 23 июль кунлари Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида 112 та давлатдан ташриф буюрган 621 нафар ўқувчи иштирокида халқаро математика олимпиадаси (ИМО) ўтказилди.

Ушбу нуфузли мусобақада Бухоро давлат университети қошидаги Қорақўл академик лицейи 3-босқич ўқувчиси Жасурбек Имомов бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, жорий йил 14 — 20 июль кунлари Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида 78 давлатнинг 285 нафар ўқувчиси биология фанидан халқаро олимпиадада куч синашди. Мазкур нуфузли олимпиадада Тошкент педиатрия

тиббиёт институти академик лицейи ўқувчилари Саидахон Валижонова, Хосиятхон Қудратова ҳамда Навоий давлат кончилиқ институти академик лицейи ўқувчиси Хусейн Эгамов бронза медалга сазовор бўлишди. Бинобарин, айни кунларда юртимиздаги академик лицейлар ўқувчиларининг яна бир гуруҳи Париж шаҳрида кимё фанидан бўлиб ўтказилган халқаро олимпиадада иштирок этмоқда.

БИЗНЕС ҒОЯЛАРИ ИСТИҚБОЛЛИ
ЛОЙИХАЛАРГА АЙЛанаДИ

Пойтахтимизда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT парк) ўз фаолиятини бошлади.

Унинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, тегишли идора ҳамда ташкилотлар мутасаддилари, Хиндистон дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парклари жамияти (СТПИ) вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбир

Хўш, мазкур масканни ташкил этишдан мақсад нима? Унинг афзалликлари ва аҳамияти нималарда акс этади?

IT парк — дастурий маҳсулотлар ҳамда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида бизнес ғояларини истиқболли лойиҳаларга айлантиришга қўмаклашадиган мажмуа. У ахборот технологиялари соҳасида инновацион ва рақобатдош маҳсулотлар ҳамда хизматларни ривожлантириш, истиқболли "старт-ап" лойиҳаларни ишга тушириш, уларни ички ва ташқи бозорларга олиб чиқиш, қолаверса, мамлакатимиз ёшлари учун инновацион маданият ва фол тадбиркорлик муҳитини таъминлашда кўл келади.

— Биз яратётган экомухит, албатта, фақат технологик инфра-

тузилманинг ўзидангина иборат бўлмайди, — дейди Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки директори Фарҳод Ибрагимов. — Ушбу бинони очиб билан дастлабки қадамни ташладик. Асосий ишимиз эса ҳали олдинда. Хусусан, жаҳон бозорида талабдор маҳсулотларга урғу бериб, "старт-ап" лойиҳалар "генераторлари"ни етиштириб берадиган IT академияни ҳам ишга туширамиз. Зеро, биз учун дунё микёсида IT парк билан бирга, "старт-ап"ларимиз танилиши ҳам муҳимдир.

Маълумотларга кўра, яқин келажакда IT парк учун коворкинг маркази, IT академия, IT лаборатория ҳамда IT меҳмонхонани ўз



ичига олувчи 3 та янги бинони фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Шунингдек, ёшларнинг бизнес ғояларини рўёбга чиқаришга қўмаклашувчи мақсадида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам IT паркиннг филиалларини очиб мақсад қилинган.

— Ўзбекистонда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари билан боғлиқ барча соҳада катта ўзгаришлар кузатилмоқда, — дейди Хиндистон дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парклари жамияти (СТПИ) директори Омкар Рай. — Бу борада Хиндистон ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг тобора мустақамлашиб бораётгани эса алоҳида ўрин тутди. Тошкент шаҳрида замонавий IT паркиннг очирилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хиндистонга ташрифи чоғида томонларнинг ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида эришилган келишувидан бир нишона, десак, айни ҳақиқат. Биз мамлакатимизда бу борада яна қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ

етиш ва ўзаро ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз.

Таъкидлаш лозимки, IT парк резидентлари давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 июндаги "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белги-ланган бир қатор имтиёزلарга эга бўладилар. Бу эса ушбу тармоқдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тадбирда иштирокчилар IT парк бўйлаб қилинган экскурсия давомида мамлакатда "старт-ап"ларни ривожлантиришга қаратилган экомухит ва зарур инфратузилмалар билан яқиндан танишдилар. Ўз навбатида, IT парк томонидан эълон қилинган танлов асосида дастлабки энг яхши 15 та "старт-ап" лойиҳа аниқлиб, сертификатлар топширилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ ошган суратлар.



ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ВА ПОЛОЦК ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚЎШМА ФАКУЛЬТЕТИ

2019/2020 ўқув йили учун бакалаврият таълим йўналишларига қабул эълон қилади.

№	Шифр	Таълим йўналишлари номи	Жами	Тўлов-контракт асосида
Бакалаврият, кундузги таълим шакли			150	
1.	5230600	Молия	100	Таълим тили: рус тили
2.	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	50	

Ҳужжатлар жорий йилнинг 25 июлидан 25 августга қадар қабул қилинади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 60-«А» уй.
Телефонлар: 71-234-06-75, 71-234-72-92, 71-235-16-01, 71-235-13-21.

Внимание руководителей предприятий государственной, частной и других форм собственности!

Центральная база материально-технического обеспечения Министерства обороны Республики Узбекистан

объявляет о проведении конкурса на приобретение (за безналичный расчет) товарно-материальных ценностей.

В конкурсе могут участвовать поставщики, являющиеся производителями или поставщиками предметов конкурса. Участие в конкурсе субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, а также имеющих опыт поставки аналогичных товаров в соответствующих объемах приветствуется.

1. Адрес рабочего органа конкурсной комиссии:
Центральная база МТО МО РУ, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 100.
Контактные телефоны: 71-294-52-76, 90-949-04-15.

2. Предметы конкурса:

№ п/п	Наименование имущества	Ед. изм.	Кол -во	Максим. цена за ед. (сум.)
1.	Электродвигатель УЛ-042	шт.	14	400 000
2.	Литол - 24	кг	7,15	32 000
3.	Резистор МЛТ 0,5-12 ком	шт.	26	1 400
4.	Резистор МЛТ 0,5-39 ом	шт.	31	2 000
5.	Резистор МЛТ 2-3,3 ком	шт.	11	250
6.	Резистор МЛТ 0,25 1 ком	шт.	7	120
7.	Резистор МЛТ 2 100 ом	шт.	2	500
8.	Резистор ПЭВ 15/25	шт.	4	6 300
9.	Резистор ПЭВР 30/50	шт.	20	4 500
10.	Резистор ПЭВ 35	шт.	3	2 000
11.	Резистор 20W20 RJ	шт.	20	3 500
12.	Резистор 10W24 RJ	шт.	20	2 300
13.	Конденсатор 50x1 000 мкф	шт.	25	1 000
14.	Конденсатор 50x470 мкф	шт.	39	5 000
15.	Конденсатор 220 мкф 25 В	шт.	4	700
16.	БУР АМС-66	шт.	12	320 000
17.	БУР АМЛТ-48	шт.	21	300 000
18.	БУР УТМ-68	шт.	7	350 000
19.	Тиристор КУ 101	шт.	122	11 000
20.	Транзистор КТ-819	шт.	65	11 000
21.	Транзистор IRF9530	шт.	13	9 500
22.	Транзистор КТ 940	шт.	31	3 200
23.	Транзистор КП 746	шт.	16	12 000
24.	Диод КД -209	шт.	36	500
25.	Диодный мост КЦ 407	шт.	8	1 000
26.	Плата печатная №3	шт.	22	23 000
27.	Разъем ШР 28 П4 ЭГ5	шт.	80	28 000
28.	Реле РПУ-2	шт.	3	16 000
29.	Реле РП-21	шт.	4	16 000
30.	Реле РЭК 24	шт.	18	38 000
31.	Реле РЭС90	шт.	67	30 000
32.	Реле W 104-2сDC48 V	шт.	16	28 500
33.	Трипоп ПОС-60	кг	2,16	300 000
34.	Трансформатор 127-15 В	шт.	10	23 000
35.	Системный блок (процессор)	шт.	4	1 500 000
36.	Мультимедийный проектор (видеопушка)	шт.	5	3 500 000
37.	Аналоговая видеокамера 12 В	шт.	12	450 000
38.	Цифровой оптический сенсор	шт.	29	850 000

№ п/п	Наименование имущества	Ед. изм.	Кол -во	Максим. цена за ед. (сум.)
39.	Набор ключей и трещоток	к-т	2	1 800 000
40.	Набор накидных ключей	к-т	2	1 500 000
41.	Плоскогубцы (бол.)	шт.	4	30 000
42.	Плоскогубцы (мал.)	шт.	2	21 600
43.	Отвертка	шт.	10	12 000
44.	Индикатор	шт.	3	5 000
45.	Тестер	шт.	4	198 000
46.	Тест зажимной	шт.	2	547 000
47.	Пинцет (мал.)	шт.	6	50 000
48.	Молоток (0,4кг)	шт.	4	26 000
49.	Молоток (0,2кг)	шт.	4	9 500
50.	Кусачки (бол.)	шт.	4	50 000
51.	Кусачки (мал.)	шт.	4	20 000
52.	Ножовка по металлу	шт.	2	25 000
53.	Ножовка по дереву	шт.	2	24 000
54.	Дрель (набор)	к-т	2	400 000
55.	Уголошлифовальная машина	шт.	2	713 800
56.	Паяльная станция	к-т	1	750 000
57.	Паяльник 25 В	шт.	5	20 000
58.	Паяльник 40 В	шт.	5	20 000
59.	Паяльник 100 В	шт.	5	20 000
60.	Металлическая щетка	шт.	10	15 000
61.	Комбинезон рабочий	шт.	10	300 000
62.	Очки защитные	шт.	6	50 000
63.	Перчатки резиновые	шт.	10	20 000
64.	Галоши резиновые	пара	3	48 000
65.	Полик резиновый	шт.	10	20 000
66.	Мини-карцер	шт.	1	1 100 000

Последний срок представления конкурсных предложений — 19.00 25 июля 2019 года. За справками обращаться ежедневно с 9.00 до 18.00 по телефонам: 71-294-52-76, 90-949-04-15.

3. Предложения на поставку товаров представляются в пределах объема лота. Качество продукции должно соответствовать ГОСТам и техническому требованию, предъявляемому к продукции.

4. Условия поставки: до склада заказчика по адресу: Ташкентская область, Кибрайский район, населенный пункт Салар.

5. Срок поставки товара — согласно графику поставки.

С организациями, находящимися в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, а также судебного или арбитражного разбирательства, договор не заключается.

Банковские реквизиты для оплаты конкурсных документов:

Центральная база МТО МО РУ,
р/с: 23 404 000 305 050 805 317, РКЦ ГУ ЦБ по г. Ташкенту.
МФО 00014, ИНН 207 293 568.

Отечественным предприятиям-производителям предоставляются ценовые преференции.

ХИТОЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ
ШАҲАРЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ
КАРВОНСАРОЙЛАР ҚУРИШ
ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда Хитойнинг "BES Cultural Tourism Group" компанияси вакиллари билан туризм соҳаси инвестицион салоҳиятига бағишлаб ўтказилган учрашувда Хитой компанияси бош директори "Буюк Ипак йўли туристик коридори бўйлаб карвонсаройлар қуриш" лойиҳасига инвестиция киритиш таклифини берди.

Ушбу лойиҳа Хитой ва Марказий Осиё шаҳарларида туристик нуқталар (жами 30 та) барпо этилиши ҳамда ҳамкорликда инвестиция фонди яратилишини кўзда тутди.

Учрашув давомида Хитой вакилларига юртимизда туристик соҳада олиб борилаётган ишлар, яратилаётган имтиёзлар, субсидия ва преференциялар, хориж фуқаролари учун виза режими, мамлакатга ташриф буюраётган сайёҳлар статистикаси бўйича маълумотлар тақдим этилди. "BES Cultural Tourism Group" компанияси вакиллари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси

билан музокараларни давом эттириш ва англашув меморандумини имзолаш истиғини билдиришди. Шунингдек, кўмида ходимларини 10 — 12 сентябрь кунлари ХХРнинг Сиан шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро иқтисодий форумга таклиф қилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари, ўз навбатида, хитойликларни 29-30 августда Жиззах шаҳрида ўтказиладиган Халқаро инвестиция форумига чорлашди.

Хитой делегацияси Самарқанд вилояти ҳокимлигида ҳам учрашувлар ўтказди.

ЁШ ОЛИМЛАРИМИЗ
БЕЛАРУСДА
ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДА

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан жўнатилган 64 нафар ёш тадқиқотчи Беларусь Республикасида тажриба алмашмоқда.

Бунинг учун дастлаб ёш олимлар ўртасида махсус танлов ўтказилди. Унда тадқиқотчиларнинг рус тилини мукамал билиши, илмий тадқиқот мавзуси бўйича мавжуд муаммолар, уларнинг илмий ҳамда амалий ечим бўйича маълумотга эга бўлиши, маҳаллий, халқаро журналларда, конференцияларда мақола ва тезислар билан иштирок этганлиги, IT-технологиялардан фойдалана олиш кўникмаси синовдан ўтказилди.

Ёшлар Беларусь Республикасининг инновацион экомухитини яқиндан ўрганмоқда. Зеро, ушбу мамлакат тараққиётининг муҳим асосларидан бири — унинг илм-фанга алоҳида эътибор қаратаётганидир. Беларусь илмий ишланмалари машинасозлик, ускунасозлик, энергетика, микробиология, тиббиёт, фармацевтика ва бошқа соҳаларда муваффақиятли жорий этиб келинмоқда.

ИННОВАЦИЯЛАР
УЧУН МАЙДОН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Интеллектуал-дастурий тизимларнинг илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Ушбу муассаса республикамизнинг иқтидорли, инновацион ғояларга бой, ижодкор ёшлари учун тажриба майдони вази фасини ўтайди. Технологик жараёнларни лойиҳалаштириш, бошқарув фаолиятини интеллектуаллаштириш ва автоматлаштиришнинг илмий-техникавий масалалари ечимига йўналтирилган дастурий маҳсулотларни яратиш марказининг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади.

Марказга умумий раҳбарлик ва унинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун университет ректорининг илмий консультанти лавозимига дунё микёсида тан олинган математик олим, профессор Шавкат Алимов тасдиқланди.

Марказнинг директори этиб интеллектуал-дастурий тизимлар яратишда хорижий тажрибага эга бўлган Азиз Атабеков тайинланди.

«Халқ сўзи».



Мехрпарварлик илми

Ўтган неча-неча асрлар кўлига қалам олиб, сўз гаххарларини тизгунчилар қашшоқликда, хору зорликда нола чекиб, дунёдан армон билан ўтганлари тарих зарваракларига битилгани барчага маълум.

Ҳар бир инсон зоти меҳрга зор. Меҳр кўрса, қалби жўш уради, ҳаётдан рози бўлади, "жонини жаббор"га бериб меҳнат қилади. Уша тарихий учрашувда, давлатимиз раҳбари меҳр-қайбат, эътибор, ҳурмату иззат дарвозасини очиб берди. Назм ва наср фидойиларининг агар адабиётимиз сарчашмасини Мавлоно Лутфий ва ҳазрат Алишер Навоийдан юз очган десак, салкам етти аср давомида бирга йиғилиб маслаҳат соладиган, ўзаро ўрганиб, шогирдларни жамлаб, буюк манзилларни кўзлаб, орзу-умидлар қиладиган бирор-бир бино пешонасига битилмаганди. Кейинчалик, аниқроғи, 70 йиллар муқаддам муваққат ижара уй теғди, кўча-кўч балосига йўлиқди уюшма.



юриб, ўй-ташвишларидан воқифликда, ҳамнафасу ҳамдардликда, орзу-армонларини ёрқин бадийий услубларда очиб беролганимизча йўқ.

Бу эътибор, бу марҳамат, бу юксак ҳурмату иззатни кўриш бизга на-сиб этди. Энди бедорликни шийор этмоқ, шунга риоя қилмоқ пайти этди. Бундан буюғига инсон руҳия-тининг ноёб кечинмалари ҳақида, элу юртнинг равнақиға, юртдошларимизнинг ички оламларини миллий юксалиш дунёсига туташтира-диган асарларни ёзмагимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Одатда, у ишни қилдик, буни қойиллатдик, деган мазмунда ҳисоботларни тикштириб, макта-ни қўйиш қонимизда бор. Тўғри-си, мақтанишимизга ҳали эрта. Зотан, уюшмаси амалга оширган ишлар ўзига яраша кўп ҳамда сал-моқли эса-да, халқимиз орасида

йиши. Шу уч сўзда зиролик акс этади. Шулардан етишмовчилик келса, умрни умр демек андак душвор. Қарангки, бир ерда боши осмонга теккан тоғлар ора-лаб, бошқа ерда қақраган биебондан, яна бир манзилга тақир, қотиб кетган ер-лардан қувурлар тортиб келишининг ўзи не машаққат, не заҳмат?! Аммо меҳр кўрсатилса, халққа елка тутиб, жонига оро берилса, шарафли меҳнатнинг на-тижаси эл дуоси, чексиз қувонч, шодие-на, бемисл ташаққуру миннатдорликлар-дан ажру савоблар топади... Эскилар ай-тадилар: дарё бошида турган оқилу доно, силаий раҳму эъзоо, ҳамрозу ҳамдард-лик соҳиби бўлса, умринг яхши замонда роҳату фароғатда ўтади.

ВАТАННИ севмиш керак

зари баланд, эҳтиром юксак. Оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган Бўстон мўъжизасини олайлик. Болалар-га алоҳида, ўсмир ўғил-қизларга бошқа-ча, ёшларга қиёси йўқ, ўрта ёшлиларга ва кексаларга айрича эғу муносабат-лардан таркиб толган мамыур ва маъна-вий чарогон манзилнинг бунёд этилиши кишини ҳайратга солади. Унинг мағзида ҳам сув — тириклик, нон — ризку бара-ка, уй-жой — инсон оройиши акс этиши баробарида, ҳам жисм, ҳам руҳ тарбия-сининг уйғунлиғига мос тарзда Зўхру юлдузидек китоб қадаб қўйилди.

Шу ўринда мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб йўлга чиққан китоб ҳамда маърифат қарвонлари, кутубхона-лар ва китоб марказлари китоб дўкон-ларининг қаторасига очилиши, бу маса-ла Президентнинг ўзи жиҳдий эъти-бор бераётгани самараси ўлароқ, китоб-хонлик она диёримиз бўйлаб кенг тар-қалаётгани, китобхон оила, китобхон ма-ҳалла, мактаблар сони ва сифати орти-б-кўлаётгани кўпчиликка, айниқса, ота-оналар, устозу мураббийлар, муаллимларга олам-олам қувонч бахш этаяётганини таъкидламоқчимиз.

Бука туманидаги 27-умумтаълим мак-табининг 3-синф ўқувчиси Фазилат Ёқубованинг "Беш ташаббус" ҳақидаги самимий, сидқидилдан ўқиб берган шеъ-ри ҳаммининг, айниқса, давлат раҳбари-нинг ҳайрат ва эътироғига сазовор бўлди. Президент бу истеъдодли қизи-мининг "Янги давру замонларнинг шир-ин меваси" дея бошини силади, унинг отасига совға сифатида енгил автома-шина тўхфа этди. Ота-онасига, муаллим-ларига раҳматлар айтиб, ота уйида "Фа-зилат" номли кутубхона очиб беришга кўрсатма берди. Мурғак қалбида она Ватанимизга чексиз садоқат ва муҳаб-бат туйғуларни жўш уриб турган ёшлари-мининг ёрқин вақилларидан бири Зиёлола Шомуродова бўлса, Тошкент ви-лояти, Зангиота туманидаги 35-макта-бининг 5-синфида аъло баҳоларга ўқиш ба-

рорбариде, тенгдошлари орасида хулқи ва иқтидори билан ажралиб туради. У "Ёш китобхон" кўрик-танловининг туман босқичида голиб бўлиб, вилоят босқичи-га йўлланма олган. Ана шу мусицадай қизгина қалб амри ва юрак меҳри билан "Жаннат юртим султони" шеърини ёзиб, Юртбошимизга бағишлади ва мазкур шеър ҳамда ўзининг самимиий тилаклари акс этган мактубни йўллади. Чинакам ва-танпарварлик, юрт тақдирига дахлдор-лик туйғуларни билан сугорилган ушбу хат эътиборсиз қолмади. Президентимиздан Зиёлола Шомуродовага жавоб хати кел-ганию, ушбу мактубни тантанали топши-риш маросими Нурафшон шаҳридаги янги бунёд этилган Ёшлар марказига йиғилганлар — кенг жамоатчилик вақил-лари, шоира қизимизнинг синфдош дўстлари, оила аъзолари устозлари ва тенгдошлари учун чинакам ҳавас ҳамда

лаб, Зоминнинг жаннатмонанд "Ўрикли-сой" дам олиш масканида ёш ижодкор-ларнинг 1-республика миқёсидаги семи-нарини ташкил этиб берганини фахр би-лан ёдга оламиз.

Ўшанда улкан ниятлар билан ҳаяжонга тўлиб-тошиб айтгандилар: «Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан қўяётган қадамлари қутлуг бўлсин!»

Зомин семинари бу йил ҳар йилги-дан ҳам жўшқинроқ ва баландроқ руҳ-да ўтганини алоҳида қайд этсак, хато бўлмас. Давлатимиз раҳбари ташаббус



си билан қуриб фойдаланишга топши-рилган кўркам ва ҳашаматли Зомин са-наторийси (коттежлардан-да юз маро-таба аёло), унинг амфитеатрию чирой-ли оромбахш заллари, хоналари деяр-ли тўлиғича устоз адилбаримизу ёшлар-имизнинг завку шавқлари ва истеъ-додларини бор буй-баста билан намой-иш этишлари учун беминанат хизмат қилишга бағрини очди. Шеърый илҳом-лари Ўриклисой жилғаларидек шарқир-роқ, зағв ва ҳаяжонлари Зомин тоғла-ри янглиғ юксак бу ўғил-қизларимиз орасида яқин келажакнинг Ҳамид Олимжонларию Зулфиялари етишиб-чиқмоғига уларнинг ёрқин истеъдодла-ри гувоҳлик бергандек гўё.

Зомин шитоби тез. Шоирларимиз деҳқон-ғаллакорларнинг шижоатли меҳ-натини тараннум этишга улғуриб-улғур-майин, мамлакат ёзининг саратон па-ласига юз тутди. Далаларга борайлик, дея шоирларимиз Сирдарё далалари томон йўл олишди. Ғўзалар гурқураб ўсаётган пайкалларда Минхожиддин Мирзо, Нодир Жонүзюк, Носиржон Жўраев, Ахтамкул Карим, Жўрабек Жаҳон сингари ижодкорлар деҳқонла-римизнинг оғир ва шарафли меҳнати мадҳ этиб ёзган, эглатлардай равон ва ғўзал шеърлари хурматли фермер-ларимизга айна чилла пайтида назмий елпигичлар мисол ором бағишлагани-га ишонамиз.

Тошкентга келсак, таниқли шоиримиз Саъдулла Ҳакимнинг "Юрт уғлини" тўпла-ми, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг "Ёзувчининг боғи" ҳикоялар кит-оби нашрдан чиқибди. Рустам Мусурмон Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Иброҳим Юсуповнинг "Чўл армонлари", "Бу ер ҳали зўр бўлади" дostonларини қойилмақом қилиб ўзбекчага ўгириб қўйибди. Ихчам китоблар туркумида бе-ҳаловат шоирларимиз Ўткир Раҳматнинг "Тамаддун дарёси", Абдували Кутбиддин-нинг "Биз — биргамиз, биз — ҳаммамиз" шеърый тўпламлари, азим шоиримиз

Азим Суяновнинг шаҳримиздаги бунёдкор-ликларга бағишлаб ёзган "Тошкент-Сити" достони, "Беш ташаббус — беш гоё" шеъри билан кўпчилик мухлислар олқи-шига сазовор бўлган беором адилбимиз Абусаид Қўчимовнинг, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг "Адиб ва жами-ят" руҳидаги китоблари ва яна бир қанча асарлару қўлёзмалар нашрга тайёрла-наётганини қўриб, қувониб кетдик.

Бу янгликларни эшитиб: — Сирдарёнинг пахта пайкаллариде сувчилар ухламасдан кечаси билан эгатларга сув тараб юрибди, элнинг шоиру ёзувчилари ухласа, бедорликни ихтиёр этмасе, уят бўлар, — дея до-нишмандона лутф қилди арбоб акалар-дан бири.

— Дуруст гап. Тўри лутф. Қўшил-масдан илҳомимиз йўқ, — деди унга жавобан газета бош муҳаррири. — Бедрорлик, уйғоқлик, айниқса, қалам ахлининг қалб шийорига айланмоғи ке-рак. Бўлмаса шоирлик нечун, қалам ва қоғоз сарфламоқ, вақтини बेкорга харжламоқ нечун?..

Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг суюкли устозларидан Мавлоно Лутфий салтанат соҳибини "сиёсат эгаси" де-бон таърифларкан, "ўқинмагил, ғам емагилким, ранжу машаққатлар орда қолиб, қаддимиз баланд, юзимиз ёруғ, орзу-ниятларга эришган ҳолда "Кўргай-биз ўзимизни Хурсон орасида", дея гўёки келажак башорат ва замоналарга ҳам лутф, ҳам авшорат қилгандай бўла-дилар. Англишладикки, энди улар биз билан ёнма-ён. Чунки инсон қади улуг-ланган, шарафланган юртда ҳаммиса мўъжизалар юз бераверади. Ота-она аждодларимиз руҳи шодлиғидан она за-минимизга ажиб соқинлик тўшалади, руҳимиз енгил, парвозимиз тобора ба-ландлашиб бораверади. Одамларнинг ҳаётдан мамнуллиғи кун сайин кўнги-ларидан илиқ эпкиндай таралиб, юзу кўзларга урилади. Ишонч ёғдулари пой-тахтимиздан мамлакатимиз бўйлаб ка-малаксимон рангларда ёйилгани-ёйил-ган. Ошириб юбординлар, деманг, биз айтганларимизни ҳақиқат, деб биламиз ва асло сўзимиздан қайтмаймиз.

Мамлакатда бирор-бир сиз бормасан гўша йўқ, Бедор, беором ҳар қалб, дейсиз миллат кўриқдир. Ватанин севмиш керак, бундан оғир тўша йўқ, Матонат юкидир бу, Садоқатнинг юкидир.

Юртин юрт қилганларнинг, Исзис кетмас қалб қўри. Буюк уммонлар қолгай дарёдай буюқлардан, Ҳақу Ватан тақдирини, Келажакнинг тақдирини, Яратган томонидан Зиммангизга юклаган.

Юқинг ерда қолмағай, Исзис кетмас қалб қўри. Дилбандлар ҳам улғайиб, Соҳиби даврон бўлгай. Эл бошига кўтаргай Улуғларинг ҳар қачон, Давлатинг пойдор шабну Шавкатинг жаҳон бўлгай.

Сироҷиддин САЙИЙД, Ўзбекистон халқ шоири.

Изланиш

АМАРАНТ онкологик касалликларга ҳам шифо бўлиши мумкин

Асли ватани Жанубий Америка бўлган амарант ўсимлигини мангу ҳаёт ато этувчи гиёҳ деб аташади. Унинг дунё бўйича 65 та нави, 900 дан ортик турла-ри мавжуд. Қадимда ама-рантни зодагонлар кекса-йишга қарши восита сифа-тида истеъмол қилишган.



Бугунги кунда у "XXI аср-нинг маданий ўсимлиги" дея-тан олинган. Мазкур гиёҳни юртимиз шароитига мос-лаштириш борасида изла-нишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Андижон шаҳар ҳокимлиги хузуридаги Инно-вацион технологиялари жо-рий этиш маркази томони-дан амарантнинг хориждан олиб келинган 19 нави икли-мимизга мослаштирилди. "Андижон", "Ўзбекистон", "Улуғнор" ва "Марҳамат" навлари яратилди.

— Амарантдан фарма-цевтика соҳасида ҳам кенг фойдаланса бўлади, — дей-ди марказ директори, Ан-дижон давлат университе-ти доценти Мўйдинжон Мўминов. — Сабаби унинг таркибида табиатдаги мав-жуд 20 хил аминокислота-нинг барчаси мужассам. Демак, у орқали юзлаб ка-салликларни, жумладан, он-кологик хасталикларни ҳам даволаш мумкин. Бунда ҳатто жаррохлик амалиёти-га ҳоҳат қолмайди.

Айни пайтда Андижон ви-лоятида ушбу ўсимликдан тайёрланган доривор мод-далар капсула ва мой ша-клда ишлаб чиқарилмоқда.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Advertisement for C and H Industry MCH XK, featuring Volvo and SDLG construction equipment. Text includes: «C and H Industry» МЧЖ ХК, Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва куйидаги махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади: Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача), Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача), Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради. VOLVO махсус қурилиш техникалари, SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради), Тақлиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг. Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Узгарин» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони). Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03. www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Advertisement for Onduline roofing tiles. Text includes: РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР, Onduline Yengil tom yopish tizimlari, ONDULINE CHEREPITSALARI, 99 808-16-06, 99 808-16-03, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоалари Ўзбекистон халқ артисти, профессор Зоҳид Воҳидович ҲАҚНАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Section header: Халқ сўзи Народное слово. Content: МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Section header: Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. Content: 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 457 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Section header: МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Content: Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов. Мусаҳҳих — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ў.А якуни — 23.30 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6